

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАБАДЖАНОВ МАНСУРБЕК КУРБАНБАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКЧА-ҚОРАҚАЛПОҚЧА БАДИИЙ ТАРЖИМАЛАРДА  
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

**10.00.06- Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on Philological sciences**

**Бабаджанов Мансурбек Курбанбаевич**

Ўзбекча-қорақалпоқча бадий таржималарда фразеологизмларнинг  
ифодаланиши..... 5

**Бабаджанов Мансурбек Курбанбаевич**

Выражение фразеологизмов в узбекско-каракалпакских  
художественных переводах ..... 21

**Babadjanov Mansurbek Kurbanbaevich**

Expressions of idioms in Uzbek-Karakalpak literary translations  
..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАБАДЖАНОВ МАНСУРБЕК КУРБАНБАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКЧА-ҚОРАҚАЛПОҚЧА БАДИИЙ ТАРЖИМАЛАРДА  
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

**10.00.06- Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Fil 737 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдушукуров Бахтиёр Бўронович**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Дўсимов Зарипбой**  
филология фанлари доктори, профессор

**Маматов Абдуғафур Эшонқулович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат ўзбек тили адабиёти университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил « 3 » ноябр соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)))

Диссертация матни билан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел.: (99871) 281-42-44.

Диссертация автореферати 2020 йил « 26 » октябр да тарқатилди.  
(2020 йил « 26 » октябр даги 1 рақамли реестр баённомаси).



**Ш.С.Сирожидинов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.У.Пардаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

**Х.А.Дадабоев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида миллий тилларни халқ маданияти, тарихи, маънавий қадриятлари, миллий тафаккури ҳамда урф-одатлари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этишга йўналтирилган антропоцентрик парадигма кенг оммалашмоқда. Ҳар бир халқ маънавий қадриятлари, миллий тафаккур тарзи ҳамда урф-одатларининг, аввало, ушбу халқ тилида намоён бўлиши анъанавий тилшуносликнинг янгидан-янги йўналишлар билан бойиш ва қамров доираси янада кенгайишини тақозо қилиши шу сабабдан ҳам, табиий ҳолдир. Шу боисдан ҳам умумий тилшуносликка когнитив тилшунослик, прагматик тилшунослик, психолингвистика, лингвокультуролия, этнолингвистика каби янги йўналишлар кириб келяпти ва тилдаги янги парадигма нафақат бир тил тадқиқида, балки тиллараро тадқиқотлар ҳамда таржимашуносликда ҳам қўлланилмоқда. Шу нуқтаи назардан қардош тиллардаги умумий ва ўзига хосликларни ўрганиш, аниқлаш, тил бирликлари орасидаги тафовут ва ўхшашликларнинг вариантларда акс этиши масалаларини таҳлил қилиш тилшунослик учун назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида халқлар маданият белгиларининг тилда қай даражада акс этишини ўрганувчи лингвокультурология йўналишининг бугунги кунда жадал ривожланаётганлиги ҳар бир халқ миллий-ментал ва минтақавий хусусиятларга эга маданий қуршовда яшаши ҳамда бу ҳолат тилда яққол акс этиши билан белгиланади. Тилшуносликда бадиий асарлардаги фраземалар таржимаси билан боғлиқ илмий назариялар яратилди, фразеологик луғатлар яратиш амалиёти шаклланди. Бадиий таржиманинг умумфилологик ва лингвистик масалаларига бағишланган қарашлар вужудга келди. Демак, тил бирликларига лингвокультурологик аспектда ёндашганда уларнинг моҳияти тўлароқ очилиши, айниқса, фразеологик бирликлар лингвокультурологик унсур ташишда муҳим аҳамият касб этишини тилларни қиёслаш асосида тадқиқ этиш тилшуносликнинг долзарб масалаларидандир.

Ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ муаммоларни айнан лингвокультурологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш тилимизнинг жаҳон тиллари орасидаги муносиб ўрнини белгилашда ўзига хос моҳият касб этади. Чунки «Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадиий дурдоналар яратганлар»<sup>1</sup>. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, ҳар бир халқнинг дурдона асарлари бадиий таржима орқалигина бошқа халқларга етказилади. Бадиий асарлар таржимасининг хосияти шундаки, у чинакам нафис нарсадан баҳраманд этишдан ташқари,

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи. № 218. Тошкент, 2019 йил, 22 октябрь.

эстетик туйғуни ўстиришга, дид пайдо қилишга ва нафис нарса тўғрисида ҳаққоний тушунча тарқалишига хизмат қилади. Шу маънода, ўзбек ва қорақалпоқ тилларига хос матнларни минтақавий хусусиятларидан келиб чиқиб қиёсий аспектда ўрганиш нафақат лингвистик, балки сиёсий жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари орасидаги маданий-дўстлик алоқалари янада ривожланиши, бу халқлар бир-бирини янада яхшироқ англаши тилларнинг ўзига хос ва умумий жиҳатларини ўрганиш заруратини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек тилшунослигида фразеологизмлар, жумладан, бадий асарларда фразеологизмлар таржимаси, тиллараро таржима муаммоларига бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Бу борада Ш.Раҳматуллаев, Б.Йўлдошев, А.Маматов, С.Мирзакулов, Ш.Абдуллаев, Н.Ўрмонова, Д.Хошимовалар<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари (Фразеологик бирликларда полисемия, синонимия, вариация, антонимия, омонимия ва омонимлик). Филол.фан. док-ри... дисс. – Тошкент, 1966. 362 б.; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. док-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. 49 б.; Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари: Филол. фан. док-ри... дисс. – Тошкент. 1999. 321 б.; Мирзакулов С. Қариндош тиллардан таржима асарлар тилининг лексик-семантик тадқиқи (Т.Қосимбековнинг «Синган қилич» романи таржимаси асосида). Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент. 2000. 27 б.; Абдуллаев Ш. Таржима асарларда фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг қорақалпоқча-ўзбекча таржимаси асосида). Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент. 2006. 22 б.; Ўрмонова Н. Таржимада тарихий архаик лексикани акс эттириш принциплари ва таржима аниқлиги. Филол. фан.номз... дисс. автореф. – Тошкент. 2003.; Хошимова Д. «Бобурнома» матндаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. Филол. фан. фалс. докт. ... (PhD) дисс. автореф. – Тошкент. 2018. 22 б.

томонидан бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган.

Сўнги пайтларда ўзбек фразеологияси соҳасидаги ишлар янада ривожлантирилиб, фразеологик ва фразеографик ҳамда таржима муаммолари ўз ечимини топмоқда. Ўзбек тилида фразеологик синонимларнинг структур-семантик таҳлили<sup>3</sup>, бадий таржима масалаларига бағишланган анжуманлар, монография ва ўқув адабиётлари<sup>4</sup> шулар жумласидандир. Ўзбек ва рус тилларидаги фраземаларни қиёсий-амалий аспектда ўрганган М.Содиқова ва М.Абдурахимовлар икки тиллик фразеологик луғатлар яратиб<sup>5</sup>, таржимонлар учун амалий қўлланма тақдим этишган. Ж.Шарипов, Ғ.Саломовлар ўзбек тилшунослиги учун ғоят долзарб муаммолардан бири таржимашунослик назарияси билан махсус шуғулланиб, бир неча монографик тадқиқотлар яратдилар<sup>6</sup>. Ғ.Саломов ўз ишларида «фразеологик ибора», «идиома», «ибора» каби атамалардан синоним сифатида фойдаланади, бундай тил birlikларини мақол ва маталлардан фарқлашга интилади.

Шу билан бирга, қорақалпоқ тилшунос олимлари томонидан ҳам фразеологиянинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган бир қанча илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган<sup>7</sup>. Жумладан, С.Наурузбаева, Ж.Ешбаев, Т.Жумамуратов, Г.Айназарова, Б.Юсупова, А.Пирниязова, Г.Алламбергеноваларнинг илмий изланишларини санаб ўтиш мумкин. Шундай бўлса-да, турли ижодкорлар асарларидаги фраземалар тадқиқи орқали уларнинг бадий матнларда қўлланишини ўрганиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг «Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий тадқиқотлар

<sup>3</sup> Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структур-семантик таҳлили. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. 22 б.

<sup>4</sup> Бадий таржима ва адабий алоқалар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд, 2014; Сирожиiddинов Ш., Одилова Г. Бадий таржима асослари. – Тошкент, 2011. 154 б.; Ochilov E. Badiiy tarjima masalalari. O'quv qo'llanma. – Toshkent, 2014. 176 b.

<sup>5</sup> Абдурахимов М. Краткий узбекско-русский фразеологический словарь. – Тошкент: Ўқитувчи. 1976. 216 б. Содиқова М. Краткий узбекско-русский словарь устойчивых выражений. Қисқача русча-ўзбекча барқарор иборалар луғати. – Тошкент, 1994. 248 б.; Садыкова М. Краткий узбекско-русский фразеологический словарь. – Ташкент, 1989. 396 с.

<sup>6</sup> Шарипов Ж. Бадий таржималар ва мохир таржимонлар. – Тошкент: Фан. 1972. 256 б.; Саломов Ғ. Мақол ва идиомалар таржимаси. – Тошкент: ЎзФА нашриёти. 1961. 162 б.; Саломов Ғ. Тил ва таржима (Бадий таржиманинг умумфилологик ва баъзи лингвистик масалалари). – Тошкент: Фан. 1966. 237-340 б.

<sup>7</sup> Ешбаев Ж. Қарақалпақ тилининг қысқаша фразеологиялық сөзлиги. – Нөкис: Қарақалпақстан. 1985. 204 б.; Наурузбаева С.Т. Фразеологические единицы в каракалпакско-русском словаре. – Т.: Фан. 1972. 148 с.; Джумамуратов Т. Русско-каракалпакский фразеологический словарь для школьников. – Нукус: Каракалпакстан. 1985. 204 с.; Айназарова Г. Қарақалпақ тилинде симметриқ еки компонентли фразеологизмлер. Фил. фан. номз... дисс. автореф. – Нөкис. 2000. 24 б.; Yusupova B. Qaraqalpaq tilining' frazeologiyasi. – Toshkent. 2014; Пахратдинов Қ, Бекниязов Қ. Қарақалпақ тилининг фразеологизмлер сөзлиги. – Нөкис, Қарақалпақстан, 2018; Пирниязова А. Қорақалпоқ тили фразеологик системаси ва унинг стилистик имкониятлари. Филол. фан. докт. ... (PSc) дисс. автореф. – Нукус. 2020. 34 б.; Аллаамбергенова Г. И.Юсупов асарларида фразеологизмларнинг услубий қўлланилиши. Филол. фан. фалс. докт. ... (PhD) дисс. автореф. – Нукус. 2019. 22 б.;

режаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» ҳамда Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» асарларининг ўзбекча аслияти ва қорақалпоқча таржимаси асосида фраземаларнинг лингвистик табиати, лингвокультурологик хусусиятларини ёритиш, жумладан, бадиий матнда фразеологик бирликларнинг муштарак ва ўзига хос жиҳатларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

таржимада фраземаларнинг умумий ва хусусий жиҳатларини аниқлаш;  
бадиий матнларда қўлланилган фраземаларнинг фонетик, лексик, грамматик вариантларда берилишини унинг ўзига хосликларини аниқлаш;  
таржимада фраземалардаги мазмуний мувофиқликнинг муқобил вариантда акс этиш даражасини белгилаш;

ўзбекча фраземаларнинг қорақалпоқ тилининг ўзига хос иборалари билан беришдаги лингвокультурологик жиҳатларни аниқлаш;

қардош тиллардаги фраземаларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;  
минтақавий фраземалар вариантларидаги номувофиқликларни аниқлаш ва уларнинг сабабларини кўрсатиш;

фраземалар таржимасида йўл қўйилган хато ва камчиликларни баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек халқининг буюк адиблари Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» ҳамда Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» асарларининг ўзбекча аслияти ва қорақалпоқча таржимаси белгиланди.

**Тадқиқотнинг предмети** ўзбекча-қорақалпоқча бадиий таржималарда қўлланилган фраземаларнинг қорақалпоқ тилида берилиши, уларнинг лексик, семантик, грамматик хусусиятларини таҳлил қилиш, лингвокультурологик жиҳатларини аниқлашдир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда илмий-назарий, функционал-семантик, қиёсий, қиёсий-тарихий, таснифлаш, тавсифий усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“Юлдузли тунлар” ва “Ҳазрати инсон” асарлари қиёси мисолида ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг яшаш тарзи, урф-одатлари, маънавий қадриятларига асосланган миллий-ментал хусусиятлари ҳамда фонетик, лексик ва грамматик вариантланишларга асосланган ўзига хос лисоний белгилари, тили, маданияти ва дунёқараши билан боғлиқ лингвокультурологик хусусиятларининг акс этиши аниқланган;

таржима матнларда фраземаларнинг шаклан, мазмунан мувофиқлиги, қорақалпоқ тилига хос фразеологик бирликлар билан таржима қилиниши ҳамда улардаги грамматик хусусиятларнинг сақланиши ва бузилиш ҳолатлари тилнинг лингвистик табиатига боғлиқлиги асосланган;

ўзбекча-қорақалпоқча бадиий таржималарда фраземаларни қўллаш жараёнида луғавий бирликларни тенглаш, ўхшатиш ва изоҳлаш усулларида ифодалаш қонунияти асосий ўрин тутиши асослаб берилган;

фраземаларнинг бадий матн вариантларидаги номувофиклик ҳолатлари, таржима жараёнида фраземаларнинг тушириб қолдирилиши, фраземалар маъносининг ноўрин изоҳланиши далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Таржима матнларини таҳлил қилиш орқали уларнинг кўпчилигида ҳар иккала халқнинг муштарак миллий-ментал ва минтақавий жиҳатлари мавжудлиги тўғрисида хулосаларга келинган. Ўзбек халқи қардош қорақалпоқ халқи билан аралашиб, бирга ҳаёт кечиришлари уларнинг моддий ва номоддий маданияти ҳамда маросимлари билан боғлиқ фраземаларда умумийлик юзага келтириши аниқланган;

айрим фраземалар халқларнинг урф-одатлари, турмуш тарзига қараб фарқлиқларда намоён бўлиши, қорақалпоқ тилида қўлланиладиган фразеологик бирликларнинг ўзбек тилидаги фраземалар билан ўхшаш жиҳатлари бўлса-да, муайян ўзгаришларга учраб, ўзга объектли иборалар сифатида шаклланганлиги далилланган;

диссертацияда тўпланган материаллар ва тақдим этилган хулосалар ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг фразеологик луғатларини тузишда, таржима луғатлари ҳамда бу тилларда дарслик ва қўлланмалар яратишда манба сифатида хизмат қилиши кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган тадқиқ усуллари ҳамда уларда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончлилиги, илмий-бадий манбалардан олинганлиги, ўзбекча-қорақалпоқча таржима асарларидан танлаб олинган мисолларнинг таҳлил қилинганлиги, тавсифлаш, баён қилиш, қиёсий, қиёсий-тарихий, тарихий методлар орқали асосланганлиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан далилланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, келгусида тиллараро фраземалар, таржима йўналишидаги изланишлар учун манба ва назарий асос вазифасини бажаради. Тадқиқот ишида эришилган натижалар ва келтирилган хулосалар ҳар икки тилнинг фразеология соҳасида ҳамда бадий таржима йўналишида бир қатор масалаларга ойдинлик киритади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг фразеология соҳаларини янада чуқурроқ ўрганиш, таҳлил қилиш учун назарий маълумотлар беради, шунингдек, ушбу соҳа бўйича дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммалашувига замин ҳозирлайди. Диссертация натижаларидан фразеология, шунингдек, бадий таржима муаммоларига бағишланган махсус курслар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекча-қорақалпоқча бадий таржималарда фраземаларнинг қўлланишини тадқиқ қилиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

ўзбекча-қорақалпоқча бадий таржималарда фраземаларнинг фонетик, лексик, грамматик хусусиятларини қиёслаш натижасида олинган илмий-назарий хулосалардан ФА-Ф1-Г002 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти

жанрларининг назарий масалаларини ўрганиш» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 20 декабрдаги 17.01/187-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ фольклори тилидаги фраземаларнинг адабий тил ривожигаги ўрнини аниқлашга эришилган;

ўзбекча-қорақалпоқча бадиий таржималарда қўлланилган фразеологизмлар ҳамда уларнинг лингвомаданий таҳлили бўйича илмий-назарий хулосалардан ФА-Ф-1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 20 декабрдаги 17.01/186-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек ва қорақалпоқ тилларида қўлланиладиган фраземалар ҳамда уларнинг хусусиятларини ўрганишга доир тадқиқотларни яратишда назарий ва амалий манба сифатида хизмат қилган;

ўзбекча-қорақалпоқча бадиий таржималарда қўлланилган фразеологизмларнинг ўзига хос хусусиятлари, таржима асарларда (ўзбекча-қорақалпоқча) қўлланилган фразеологик birlikларнинг лексик, семантик, грамматик хусусиятларига доир илмий-назарий хулосалардан ПЗ-20170930309 рақамли «Қорақалпоқ фольклори тилининг адабий тил ривожига таъсири масаласи» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 июндаги №89-03-2085-сонли маълумотномаси). Натижада ихтисослик фанларини ўқитиш, малака ошириш курслари, шунингдек, ўзбек ва қорақалпоқ тили фани ўқитувчиларининг дарс самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан, 4 таси республика ва 1 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 140 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фраземалар таржимасида шаклий мувофиқлик**» деб номланган биринчи боби уч бўлимдан иборат. «**Фраземалар таржимасида шаклий-таркибий мувофиқлик**» деб номланган биринчи бобнинг биринчи бўлимида фонетик вариантланиш масаласи таҳлил қилиниб, бадий таржима вариантларида фраземалар компонентларининг фонетик жиҳатдан ўзгариши ва бунинг қандай фонетик қонуниятлар асосида юзага келиши очиб берилган. Шунингдек, ҳар икки тилнинг фонетик тизимига қисқача тўхталиб, мухтасар тавсифлар берилган.

Қорақалпоқ тилида унлилар сонининг кўп бўлиши бевосита сингармонизм ҳодисаси билан боғлиқ. Ушбу тилда сингармонизм ҳодисасининг кучли сақланганлиги боис матндаги сўзлар таркибида бўғинларнинг ўзаро лаб ёки танглай гармониясига кўра уйғунлашиб кетиши ўзбек тилидаги тил бирликлари билан фонетик вариантлик содир бўлишига олиб келади.

Тилларни фонетик жиҳатдан ўзаро солиштирганда чалғитувчи график хусусият сифатида шуни таъкидлаш лозимки, «**ў**» ҳарфий белгиси ўзбек тилида унли товушни, қорақалпоқ тилида эса ўзбек тилидаги **в** ундош товушининг лаб-лаб вариантыни ифодалашга хизмат қилади. Масалан: *сув – суў, ҳавас – ҳэўес, ҳаво – ҳаўа, ваъда – ўэде*. Шунингдек, бошқа ундошларда ҳам бундай фонетик мувофиқлик кузатилади: *ш-с мувофиқлиги: шoли – салы, бош – бас; ч-ш мувофиқлиги: чoйнак – шайнек; й-ж мувофиқлиги: йил – жыл, йилқи – жылқы; б-п мувофиқлиги: бол – пал, мактаб – мектеп; х-қ мувофиқлиги: хайрли – қайрли, хамир – қамыр* каби. Бундай фонетик мувофиқликлар кўплаб ўринларда учрайди. Фонетик вариантликлар тилларнинг лингвистик табиатидан келиб чиққан ҳолда унлилар ва ундошларнинг ўзаро фонетик мослиги асосида юзага келади.

«Ҳазрати инсон» асарининг қарақалпоқча вариантыда **кўз югуртирмоқ** фраземасининг *көз жуўыртыў* фонетик кўриниши келтирилади: *Маъсуда имзоларга кўз югуртира бошлади (Ҳ.И.180)*. Бу фразема қорақалпоқча вариантда куйидагича акс этган: *Масуўда тек атларына көз жуўырта баслады (Ҳ.И.178)*. Фразеологик бирикманинг кўз компоненти *көз* тарзида, *югуртирмоқ* компоненти эса *жуўыртыў* тарзида қўлланилиб, фонетик вариантлик юзага келган. *Кўз* ва *көз* компонентидаги **ў** ва **ө** товушлари фонетик ўзгаришга, янада аниқроғи, график ўзгаришга учрагани билан талаффузда бироз ўзгариш рўй берса-да, маънода фарқлик кузатилмайди. *Югуртирмоқ* компоненти эса *жуўыртыў* фонетик варианты билан таржима қилиниб, ундаги **й** (*ю* графемасининг биринчи товуши) **ж** товушига ўзгарган. Қорақалпоқ тилида **й** товушининг **ж** фонетик варианты билан берилишини ўзбек тилининг қарлуқ лаҳжасига, қорақалпоқ тилининг эса қипчоқ лаҳжасига хослиги билан изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, *бир ёстиққа бош қўйишларига* фраземаси *бир дастыққа*

*бас қоятуғынына* шаклида ўгирилганлиги натижасида фраземадаги *й* (*ё графемаси таркибида*) товушини *д* товушига, *о* товуши *а* товушига ҳамда охирги компонентдаги *ў* товуши *о* товушига алмашинади. Аммо товушларнинг таржимада бу тарзда фонетик вариантланиши оригиналдан англашилаётган семантик маъно оттенкасига путур етказмайди. Ўзбекча *ёстиқ* сўзи қорақалпоқ тилида асосан *көпиш* сўзи билан ифодаланади, *дастық* эса эскирган сўз. Маълумки, туркий тилларда *й* товуши *з*, *д* фонемаларининг тарихий тараққиёти натижасида юзага келган. Шу боис *дастық* сўзини эскирганлигини ҳисобга олиб, уни *д*лашиш давридан қолган элемент сифатида баҳолаш мумкин. Бадиий матн вариантыда фраземанинг лексик жиҳатдан бир хил шаклга келишига иккинчи сабаб эса ҳудудий яқинлик ва минтақавий умумийликка интилиш натижасидир.

Биринчи бобнинг иккинчи бўлими «**Бадиий асарлар таржимасида қўлланилган фраземаларнинг компонент вариантдорлиги ва уларни юзага келтирувчи омиллар**» деб номланиб, унда бадиий матн вариантларида лексик компонент алмашилиши асосида юзага келган фраземалар ўрганилган. Бадиий матнлардаги лексик вариантланишга бошқачароқ ёндашилиб, аслиятдан таржимага ўтиш жараёнида ҳар иккала тилда ҳам мавжуд ибораларнинг лексик компоненти эквиваленти билан ўзгарган ҳолда айнан аслиятдаги маънони ифодалашга бўйсундирилган ҳолатлар таҳлилга тортилган.

Мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, лексик вариантланиш баъзан асосий компонентда кузатилса, баъзан қўшимча компонентда намоён бўлади. Мазкур бўлимдаги таҳлиллар икки фаслга ажратган ҳолда олиб борилган.

**1. Асосий компоненти ўзгарган лексик вариантли фраземалар.** Маълумки, фразеологик бирликлар асосан икки ёки ундан ортиқ лексик компонентдан ташкил топади. Улардан бири асосий компонент бўлиб, фразема объектини шакллантиришга хизмат қилади. Ушбу фаслда айнан асосий лексик компоненти ўзгаришга учраган фраземаларни ўрганишга ҳаракат қилинган: *Эртагаёқ новвойларга ун бериб, очларга нон ёптириб тарқатишни мен ўз зиммамга олурмен!* (Ю.Т.119). Ушбу жумлада қўлланилган **зиммасига олмоқ** фраземасидаги **зиммасига** асосий компонентига *масъулият, мажбурият, розилик* каби маъно оттенкалари сингдирилган бўлиб, асосий фразеологик маъно ҳам ушбу компонентда ўз аксини топган. Мутаржим ҳам бу ибора таржимасида айнан унинг лексик вариантдан фойдаланган: *Куни ертең нанбайларга ун берип ашларга нан жаптырып тарқатыўды мен өз мойныма аламан* (Ю.Т.126). Мазкур иборанинг ўзбек тилида ҳам *бўйнига олмоқ* лексик варианты мавжуд бўлиб, минтақавий умумийлик касб этади. Фразема қорақалпоқ тилига айнан шу шаклда ўгирилган. Матн мазмунига эътибор қаратилса, таржимон ўзбек тилидаги **зиммасига олмоқ** фраземасини қорақалпоқ тилидаги лексик варианты **мойнына алды** ибораси билан тўғри ўтирган. Қорақалпоқ тилида **зимма** лексик бирлиги асос ҳолида ҳам, грамматик шаклланган ҳолатда ҳам учрамайди. Маълумки, мазкур бирлик ўзбек тилида ҳам фақат иборалар

таркибидагина грамматик шаклланган ҳолда учрайди. Таржимада ўзбекча фраземадаги **зиммасига** компоненти **мойынына** лексик варианты билан алмаштирилган бўлиб, кўшимча компонентда ўзгариш кузатилмайди. Натижада асл матндан англашилаётган мазмун ва моҳият таржимада тўла сақлаб қолишга эришилган.

**2. Кўшимча компоненти ўзгарган лексик вариантли фраземалар.** Кўшимча лексик компонентлар ҳам фраземанинг эмоционал-экспрессив бўёқдорлигини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу фаслда кўшимча лексик компоненти ўзгаришга учраган фраземалар таҳлилга тортилган. Ўзбек тилида **жони узилди** фраземаси «ўлмоқ, сўнгги марта нафас чиқармоқ» маъноларини ифодалайди. Ёзувчи бу фраземани жумлада шундай қўллаган: *Умрида боши ёстиққа етмаган, гунгурсдай юрган Жамол хола, қўлида тоғора билан айвон зинасидан тушаётиб, тойгониб йиқилибди-ю, жони узилибди* (Ҳ.И.49). Қорақалпоқ тилида бу фраземанинг **жан тапсырыў** варианты мавжуд. Аммо, таржимон бу матндаги **жони узилди** фразеологик бирикмасининг қорақалпоқ тили фразеологик луғатларида мавжуд бўлган **жаны үзилди** муқобилини ишлатмасдан унинг кўшимча компонентини ўзгартириб, яъни **жан тапсырыў** лексик вариантдан фойдаланган: *Өмиринде басы жастыққа тийип көрмеген, гүңгире пейтей Жамал ана, әйўанның басқышынан қолындағы табағы менен түсип киятырып, тайғанан жығылыпты да, жан тапсырыпты* (Ҳ.И.30). Таржимон асл нусхада қўлланилган фраземадаги **үзилди** компонентини таржима жараёнида қорақалпоқча **тапсырыпты** шаклида кўшимча лексик варианты ўзгарган шакли билан қорақалпоқ китобхонларига тушунарли ва таъсирли тарзда ифодалашга ҳаракат қилган ва оригиналдаги мазмунни тўла акс эттира олган.

Биринчи бобнинг учинчи бўлими «**Бадий асарлар таржимасида қўлланилган фраземаларнинг грамматик ўзига хосликлари**» деб номланган. Мазкур бўлимда фраземалардаги грамматик вариантланиш, фразема таркибидаги грамматик шаклларни алмаштирилиши, кўшилиши, тушириб қолдирилиши асосида юзага келиши мисоллар ёрдамида ўрганилган. Грамматик вариантланиш ҳодисасига бир тил мисолида қаралганда муайян тилда мавжуд ибора грамматик вариантынинг ҳам тилда мавжудлиги назарда тутилса, икки тил орасида қиёсий аспектда тадқиқот олиб борилад экан, унга бошқачароқ муносабатда бўлишни тақозо этади. Шу боис мазкур бўлимда асосий эътибор аслиятда қўлланилган фраземанинг таржимада бошқа грамматик шаклда берилишини ва ундан кўзланган мақсадни аниқлашга қаратилган. Грамматик вариантлик қандайдир сабабга кўра юзага келиши мумкин деган фаразга таянилган ва таржима жараёнида юз берган ҳар қандай грамматик шакл ўзгаришлари таҳлилга тортилган.

«Юлдузли тунлар» асарида **кўз югуртирмоқ** фраземаси қўлланилган: *Улар атрофга кўз югуртиришди* (Ю.Т.301). Мутаржим бу фразеологик бирикмани грамматик варианты билан шундай ўгирган: *Олар дөгерекке көз жуўрытты* (Ж.Т.289). Оригинал матндаги фраземанинг иккинчи компоненти феълнинг нисбат шакли *-иш* билан қўлланилган. Бу грамматик

шакл қорақалпоқ тилидаги феъл сўз туркумининг биргалик нисбат шаклларида учрамайди. Шу сабабли таржимон бу иборанинг *-иш* грамматик компонентини тушириб қолдирган ва қорақалпоқ тилидаги ўтган замон феъли кўшимчаси *-ты* грамматик варианты билан шакллантирган. Биргалик маъноси эса *олар* сўзи орқали ифодаланиб, жумлада қўлланган фразема мазмунини сақлаб қолишга эришган. Бу каби грамматик шаклнинг тушириб қолдирилган ёки орттирилган ҳолда таржима қилинган фраземалар бошқа ўринларда ҳам учрайди: *Энди жияни паноҳ истаб борса, қаноти тагига олиши мумкин* (Ю.Т.9). Таржимон бу жумладаги фраземани қорақалпоқ тилига грамматик варианты билан шундай ўтиради: *Энди жийени паналап борса, қанатының астына алыўы мумкин* (Ж.Т.8). Жумлада оригиналдаги *қаноти* компоненти таржимада *қанатының* тарзида берилиб, унинг таркибидаги *-ның* қаратқич келишиги шакли орттирилган. Бу ҳодисанинг қорақалпоқ тилидаги мослашувли бирикмаларда тилнинг лингвистик табиатидан келиб чиқиб, қаратқичнинг белгисиз шаклда қўлланилмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Ишнинг иккинчи боби «**Фраземалар таржимасида мазмуний мувофиқлик**» деб номланади. Ўзаро қариндош, турмуш тарзи, қарашлари ва қадриятлари яқин, тиллари бир гуруҳга мансуб халқларга тегишли таржима асарлари вариантларида шаклий ўхшашликлар кузатилиши табиий. Бироқ таржимадан кўзланган асосий мақсад мазмунни сақлаш, асл нусханинг моҳиятини етказиб беришдир. Воқеликлар тасвирини ифодалашда мазмунни сақлаш унчалик қийин жараён эмас. Аммо инсон кечинмаларини, рухий ҳолатларни, воқеликка муносабатни ифодалашда фразеологизмларсиз мақсадга эришиб бўлмайди. Ўзбеклар ва қорақалпоқлар тиллари, маданияти, қадриятлари қанчалик бир-бирига яқин, бир минтақага мансуб бўлмасин улар алоҳида миллий ўзига хосликларга эга бўлган халқлардир. Шубҳасиз, бу ҳолат тил эгаларининг оламни лисоний манзарасини англашида ҳам фарқлиқларга олиб келади. Бу жараён, айниқса, фраземаларнинг қўлланилишида яққолроқ намоён бўлади. Ҳар бир тилнинг ўзига хос иборалари ҳам мавжудки, уларни айнан ёки лексик варианты билан акс эттиришнинг мутлақо имкони йўқ. Таржимон бу муаммони ҳал қилиш учун бошқача йўл тутишга мажбур. Яъни, бадий вариантда, ўзбек тилининг ўзидагина мавжуд айрим фраземалар қорақалпоқ тилининг ўзига хос иборалари билан берилган. Бунга мазмунан тенг келувчи муқобил варианты қўлланилган. Бунинг ҳам иложи бўлмаган вазиятларда эса фраземалар сўз ёки ўхшатиш ва изоҳлаш йўли билан амалга оширилган. Бобда фраземалар тўрт бўлимга ажратиб таҳлил қилинади.

Иккинчи бобнинг «**Фраземалар таржимасида мазмуний мувофиқликнинг муқобил вариантларда акс этиши**» номли биринчи бўлимида бошқа объект асосига қурилган муқобил вариантли фраземаларнинг бадий таржималарда қўлланилиши ўрганилган. Р.Файзийнинг «Ҳазрати инсон» асарида шундай муқобил варианты билан таржима қилинган фразеологик бирликни кузатишимиз мумкин: *Ҳакимбек билан гаплашувдим, -*

деди Аҳмад ака хотинининг ёнига ўтириб,- хуфтондан чиққанда ўзи **оғиз очиб қолди** (Ҳ.И.23). Таржимон жумладаги бу фраземани муқобили билан қорақалпоқчага қуйидагича ўгирган: *Ҳақимбек пенен сөйлесип едим,- деди Аҳмед қатынының қасына отырып, - қуптан намазынан шыққанымызда **өзи гәп етип қалды*** (Ҳ.И.18). Мутаржим ўзбекча вариантдаги **оғиз очмоқ** иборасини **гәп етиў** муқобили билан таржима қилади. Таржима жараёнида фраземанинг ҳар икки компоненти ҳам ўзгаришга учраган бўлса-да, қорақалпоқча **гәп етиў** фразеологик бирикмасининг **оғиз очмоқ** фраземаси билан семантикаси бир хил. Демак, таржимон бадиий матнда **оғиз очмоқ** фраземасини муқобил варианты билан бериб, маънони тўғри ифодалашга эришган.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлими «**Минтақавий фраземаларда лингвокультурологик ўзига хосликларни акс этиши**» деб номланиб, ушбу бўлимда ўзбекча фраземаларнинг бадиий матнда қорақалпоқ тилининг ўзига хос бўлган фраземалари билан таржима қилиниши таҳлилга тортилган.

Ҳар бир тилда шундай фраземалар ҳам учрайдики, улар фақат тил эгалари бўлган халқ вакилларигагина тушунарли бўлади: *Қанчадан-қанчанинг **ёстигини қуритвотти*** (Ҳ.И.100). Бу жумладаги ибора қорақалпоқ тилининг ўзига хос фраземаси билан моҳирона таржима қилинган: *Қаншадан-қанша **шаңарақтың түтини өшти*** (Ҳ.И.85). Таржимада фразема *шаңарақ* объекти асосига қурилган бўлса-да, ўзбекчадаги **ёстиғини қуритмоқ** фраземасининг мазмун-моҳиятини, эмоционал-бўёқдорлигини ўзида тўлиқ акс эттира олади. Шу боис муаллиф бу фраземани аниқ ва тушунарли равишда, жозибадорликни сақлаган ҳолда қорақалпоқ китобхонига етказиб бера олган. Таржимон муваффақиятини таъминлаган яна бир омил қорақалпоқ халқининг турмуш тарзи ва фаолият туридир. **Шаңарақ** сўзи қорақалпоқ тилида қора уйнинг устки (том) қисми номи бўлиб, метафорик усулда маъно кўчиши орқали оила маъносини ҳам ифодалайди. Шунга мувофиқ мутаржим таржима жараёнида тилнинг лингвомаданий жиҳатларини ҳам ҳисобга олган.

Бошқа ўринларда ҳам қорақалпоқ тилининг ўзига хос фраземалари кўплаб учрайди *дунёни сув олса тўпизига чиқмайди - дуньяны суў алса, ўйрекке бир пул; кўнглини кўтараётган - баўыры ериген; мум тишлаб олдилар-аўзына қум қуйылды* каби.

Иккинчи бобнинг учинчи бўлими «**Таржимада фраземаларнинг лексемалар билан синонимияси**» деб номланади. Мазкур бўлимда фраземаларнинг бадиий матнларда оддий лексик бирлик (сўз)лар яъни содда сўз, қўшма сўз, сўз бирикмаси ва кўмакчи феълли сўз қўшилмалари ёрдамида изоҳлаб, кўрсатиб берган ҳолатлари ўрганилган. Мазкур бўлим икки фаслга ажратилган.

**2.3.1. Таржимада фраземаларнинг содда сўзлар билан ифодаланиши.** Мазкур фаслда иборани бир сўз билан, яъни содда сўз воситасида таржима қилинган ҳолатлари таҳлил этилган: *Робия ханжарга қўрқа-писа **қўз ташлади-да:*** - *Қайдам,* - *деди* (Ю.Т.87). Мутаржим бу жумладаги иборани

қорақалпоқчага қуйидагича ўгирган: *Рабия қанжарга қорқа-соға қарады-да: -Қайдем,-деди* (Ж.Т.91). Келтирилган жумлада қўлланган иборанинг муқобили сифатида қорақалпоқ тилининг фразеологик луғатида **көз қырын таслады** фразеологик бирикмаси келтириб ўтилган. Мутаржим жумладаги **кўз ташламоқ** фразеологик бирикмасини таржимада **қарады** сўзи билан ифодалаган. Агар мутаржим таржимадаги сўз ўрнига луғатда келтирилган аслиятдаги унинг муқобилидан фойдаланганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунинг учун ундаги эмоционал-бўёқдорлик анча сусайган. Шунингдек, **ҳис қилди - сезинди; энгил тортиб - қуёнын; изтиробга тушган - қыйналган; тан олиб - мойынлан; талвасага тушган - албырақлаган; жудо бўлурмизми - айрылганимыз ба; кўнглидан ўтказди - ойлады; гап очиб-сөйлесип** каби кўплаб мисоллар таҳлил қилинган.

